

ИЖТИМОЙ ХАВФЛИ ҚИЛМИШ СОДИР ЭТГАН ШАХСНИ УШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ

С. Ф. Назиров

ИИВ Академияси магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6762097>

Аннотация. Мақолада ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш тушиунчаси қиёсий-хұқықий жиынтықтан тағлив қилинганды. Шу билан биргә, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашни ташкил этиши ва бошқарышни тақомиллаштырышыга оид тавсиялар берилганды.

Калит сүзлар: жиноят ҳұқықи, жиноят процесси, суриштирувчи, тезкор ходим, ушлаш, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс, ушлашни ташкил этиши ва бошқарыш.

ОРГАНИЗАЦИЯ И ВЕДЕНИЕ ЗАДЕРЖАНИЯ ЛИЦА, СОВЕРШИВШЕГО ОБЩЕСТВЕННО ОПАСНОЕ ДЕЯНИЕ

Аннотация. В статье проводится сравнительно-правовой анализ понятия задержания лица, совершившего общественно опасное деяние. Вместе с тем даны рекомендации по совершенствованию организации и проведения задержания лица, совершившего общественно опасное деяние.

Ключевые слова: уголовное право, уголовный процесс, дознаватель, оперативный работник, задержание, лицо, совершившее общественно опасное деяние, организация и ведение задержания.

ORGANIZATION AND MANAGEMENT OF THE ARREST OF A PERSON WHO HAS COMMITTED A SOCIALLY DANGEROUS ACT

Abstract. The article provides a comparative and legal analysis of the concept of apprehending a person who has committed a socially dangerous act. At the same time, recommendations were made to improve the organization and management of the arrest of a person who has committed a socially dangerous act.

Keywords: criminal law, criminal procedure, inquiry officer, operative, arrest, person who committed a socially dangerous act, organization and management of arrest.

КИРИШ

Ўзбекистонда демократик ҳұқықий давлат ва инсонпарвар адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш шароитида фуқароларнинг ҳұқық ва эркинликларини, жамоат хавфсизлигини ва тартибини турли жиной тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳамда жиноятычилик ва бошқа ҳұқуқбузарларнинг олдини олиш масалалари долзарб вазифалардан бири ҳисобланады.

Зеро, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Ички ишлар органларининг ҳар бир ходими Ўзбекистонда ҳукм сураёттанды тинчлик-осойишталиктин янада мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳар бир оила, ҳар бир инсон, маҳалла хавфсизлигини таъминлашдек мураккаб, айни вақтда шарафли вазифани бажариш учун бор билим ва салоҳияти, куч-ғайратини сафарбар этиши лозим” деб таъкидлаганлар.

Мамлакатимизда бугунги кунда ички ишлар органлари ходимлари томонидан ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида унга нисбатан жисмоний

куч ишлатиш, махсус восита ва ўқотар қуролларни қўллашнинг қонуний асослари яратилган бўлса-да, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан ички ишлар органлари ходимларининг қонуний талабларини бажармаслик билан боғлиқ хукуқбузарликлар 56,8 фоизга, ходимларнинг ўз хизмат бурчини бажаришларига қаршилик кўрсатиш ҳоллари 7,0 фоизга кўпайган, шунингдек, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш 35,8 фоизга, уларни содир этганлар сони эса 44,7 фоизга ошган. Бугунги кунда ушбу қилмишларнинг сабаб ва шароитларини таҳлил этиш, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларни ушлашнинг замонавий тизимини такомиллаштириш, шунингдек ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиши билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган қонун нормалари самарадорлигини ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, инсонлар ўртасидаги муносабат мазмунига кўра, ижобий ва салбий ижтимоий муносабатларга бўлинади. “Ижтимоий” сўзининг лугавий маъноси “арабча — жамоа, жамиятга оид ҳамда инсон ва жамият ҳаётига оид”, деган маъноларни англатади. Ижобий муносабатлар инсонларнинг бир-бири билан ўзаро ҳурмат, меҳроқибат ва адолат мезонлари асосида жамоа бўлиб яшашга ўргатади. Салбий муносабатлар эса инсонларнинг хукуқбузарлик ёки бошқа ахлоққа зид қилмишлар содир этишга ундайди. Шу ўринда профессор Ў.Х.Мухамедов ўринли таъкидлаганидек, “ҳар қандай жамият ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Шунга муносиб ижтимоий жараёнларни тартибга солиб турувчи хукуқ нормалари ҳам такомиллаштирилиши, тизимлар ўзгартирилиб замон талабларига мослаштириб борилади”. Масалан, XX асрнинг 90-йилларида чайқовчилик оғир жиноят бўлган бўлса, ҳозирда хукуқбузарлик ҳисобланмайди.

“Ижтимоий хавфли қилмиш” ибораси, “жиноят” иборасига нисбатан кенг тушунча, бироқ, кундалик ҳаётда жиноят деб топилмайдиган ижтимоий хавфли қилмишлар ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунига киритилмаган ижтимоий хавфли қилмишларнинг хавфлилик даражаси кам аҳамиятли бўлиб, Жиноят кодексида фақат ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси юқори бўлган қилмишларга киритилган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, жиноятнинг ижтимоий хавфли қилмишдан фарқли равишда тўрт белгиси (ижтимоий хавфлилик, хукуққа хилофлик, айблилик ва жиноий жазога сазоворлик) ва тўрт таркибий элементи (объектив ва субъектив белги) жиноят хукуқи назариясида асослаб берилган. Ижтимоий хавфли қилмишда эса жиноятнинг зарурий белгиси сифатида қайд этилган айбдорлик ёки жазога сазоворлик белгиси бўлиши айrim ҳолларда эса бўлмаслиги ҳам кузатилади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Амалиётда жиноят қонунида жиноят сифатида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишларнинг аксарият қисми жиноят субъекти бўла оладиган шахслар томонидан содир этилади, айrim ҳолларда ижтимоий хавфли қилмишлар ақли норасо шахслар томонидан ҳам содир этилади. Улар содир этадиган ижтимоий хавфли қилмишларнинг жамият учун ижтимоий хавф туғдиришини инобатга олган ҳолда уларни ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахслар деб топиш мумкин. Бироқ, уларнинг содир этган

ижтимоий хавфли қилмишида жиноят таркибининг айрим белгилари бўлмаганлиги боис, ушбу гурухга мансуб шахслар жиноят содир этган шахслар деб топилмайди.

Ҳозирги замон криминология фанида “жиноятчи” ва “жиноятчининг шахси” каби атамаларга категория, яъни ҳар бири мустақил тушунчалар сифатида қаралади ва улар гурухларга ажратилган. Биринчидан, жиноятчилар дейилганда қилмишни содир этган ақли расо шахслар тушунилади. Иккинчидан, жиноятчилар ўз ҳаракатлари билан жиноят қонунчилигига жиноят тариқасида қайд этилган ижтимоий хавфли қилмишни қасдан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этадилар.

Мамлакатимизнинг амалдаги қонунларида ҳуқуқбузарликлар ижтимоий хавфлилик даражасига кўра: интизомий; фуқаровий; маъмурий ва жиноий каби турларга ажратилади. Аммо Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май кунидаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига асосан “ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (харакат ёки харакатсизлик)дир, деб тушунча берилади. Бироқ мазкур тушунчада интизомий ёки фуқаровий ҳуқуқбузарликлар эътибордан четда қолдирилган.

Ҳозирги кунга қадар жиноят ҳуқуқи назариясида “жиноят” ва “ижтимоий хавфли қилмиш” тушунчаларнинг ўзаро ўхшашлик ва фарқли жиҳатлари олимлар ўртасида баҳсларга сабаб бўлиб келган. Хусусан, бир гуруҳ олимлар “ижтимоий хавфли қилмиш” тушунчасини, “жиноят” тушунчасига нисбатан кенг тушунча, деб ҳисоблайди. Профессор А.С.Якубов эса “Кундалик ҳаётда жиноят деб топилмайдиган ижтимоий хавфли қилмишлар ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунига киритилмаган ижтимоий хавфли қилмишларнинг хавфлилик даражаси кам аҳамиятли бўлиб, амалдаги Жиноят кодексига фақат ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси юкори бўлган қилмишларгина киритилган” лигини эътироф этади. Профессор Ю.С.Пулатов “хар қандай жиноятнинг моддий белгиси Жиноят кодексининг 14-моддаси 2-қисмида ўз аксини топган”, дея эътироф этиб, жиноят ҳисобланмайдиган ижтимоий хавфли қилмишлар рўйхати кенг талқин қилинmasлигини таъкидлайди.

Жиноят ҳуқуқи назариясида ижтимоий хавфлилик жиноятнинг ижтимоий моҳиятини очиб беради. Шу боис “ижтимоий хавфли қилмиш” ибораси жиноят ҳуқуқининг алоҳида категорияси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 14-моддасида “жиноят” тушунчasi билан бир қаторда, “ижтимоий хавфли қилмиш” тушунчаси белгилаб берилган.

Бироқ АҚШ, Германия жиноят ҳуқуқида жиноий қилмишни фақатгина ғайриҳуқуқийлик, жазога маҳкумлиги, айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик сифатида таҳлил қилинади. Ушбу давлатлар жиноят ҳуқуқи тизимида “ижтимоий хавфлилик” жиноятнинг белгиси сифатида эътироф этилмайди.

“Жиноятчи” деб фақат суд ҳукми асосида айблов ҳукми чиқарилган шахсни аташ мумкин. Сабаби, биринчидан, жиноятчи деганда жиноят қонунида жиноят сифатида назарда тутилган қилмишни содир этган ақли расо жисмоний шахс тушунилади; иккинчидан, жиноятчи ўз ҳаракатлари билан жиноят қонунчилигига жиноят тариқасида қайд этилган қилмишни қасдан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этади; учинчидан,

жиноят қонунида белгиланган жавобгарликка тортиш ёшига етганлиги билан ифодаланади.

Бизнинг фикримизча, “*Ижтимоий хавфли құлмии содир этган шахс* деганда, жиноят қонуни билан тақиқланган құлмишни амалға оширган, жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етган ёки етмаган, ақли расо ёки норасо шахслар тушунилади” деган мазмундаги түшүнчә Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимидаги атамаларнинг ҳуқуқий маъносида белгилаб берилиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган фуқароларнинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири шахс эркинлиги билан боғлиқ бўлгани учун ушлаш жиноят процессуал қонунига қатъий амал қылған ҳолда амалға оширилиши керак. Жиноятчиликка қарши кураш қонунбузарларга нисбатан тез ва қатъий чоралар кўришни талаб қиласди. Шунинг учун жиноят қилишга тайёрланаётган, жиноят содир этган ёки гумон қилинаётган шахс аниқланиши билан уларни ушлаш зарур, чунки озодликда қолдирилган жиноятчилар жиноят изларини яширишга уринишлари ёки жиноят содир этишлари мумкин.

Ушлаш-ушланаётган шахснинг ҳаракат эркинлигини чекловчи эҳтиёт чорасидир. Фуқароларни ушлаш маъмурий ва жиноят-процессуал тартибда амалға оширилиши мумкин. Бу ушлаш турлари ўхшащдек кўринади. Лекин уларнинг моҳияти, асослари, давом этиш муддати, натижалари ва расмийлаштириш тартиби турличадир.

Фуқароларни маъмурий тартибда ушлаб туриш-қонунбузарлик ҳаракатларининг олдини олиш ва қонунбузарни маъмурий жавобгарликка тортиш мақсадида маъмурий қонунбузарлик содир этган шахснинг ҳаракат эркинлигини қисқа муддатга мажбуран чеклашдир.

Ҳаракатларда маъмурий жазо қўлланиши мумкин бўлган қонунбузарлик бўлмаган фуқароларни ушлаб туришга йўл қўйилмайди (фақат атрофдагилар учун хавфли бўлган руҳий касаллар бундан мустасно).

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Жиноят процессуал тартибда ушлаш термини 2 та аспектга эга: процессуал ва криминалистик.

Процессуал маънода ушлаш-бу озодликдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазо берилиши мумкин бўлган жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборат бўлган процессуал мажбурлов чораси.

Бу чоранинг моҳияти-жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни вақтинча сақлаш учун ҳибсхонага жойлаштириш ва албатта ушлаш баённомасини тузишдан иборат.

Криминалистик жиҳатдан ушлаш-жиноят содир этган ёки гумон қилинаётган шахсларни қўлга туширишга ва уларни ИИБга етказишга йўналтирилган тергов ҳаракати.

Ушлаш - бу тергов ҳаракати бўлиб, сездирмасдан яқинлашиш, қўлга олиш, қуролсизлаштириш ва ИИБга етказишдан иборатдир. Бироқ, бундан фарқли равища “ушлаб туриш” шундай маънони англатадики, унда жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ва бунинг учун озодликдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазо тури тайинланган ёки худди шундай жиноятларни содир этган айбланувчи шахсларга 72 соатгача ушлаб туриш билан боғлиқ мажбурий вақтинчалик эҳтиёт чораси қўлланилади. Терговчи, шунингдек, суриштирувчи органлари ЖПКнинг 221-моддасида белгиланган асослардан бири мавжуд бўлганда ушлаб туришни амалға оширишлари мумкин.

Амалда ушлашнинг моҳияти-жисмоний қўлга олишга (яъни ушланадиган шахс билан бевосита мулоқотда бўлишга) қаршилик кўрсатилган ҳолда уни бартараф қилиб, шахсга унинг қўлга олинганини эълон қилишдан иборат.

Ушлашнинг аҳамияти шундаки, жиноятчиларнинг жиноий фаолиятига чек қўяди, жавобгарликка тортади, улар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олади, уларнинг айбини исботлаб берувчи зарурий ашёвий далилларни сақлайди.

Ушлашнинг асослари, шароитлари ва сабаблари. Ушлаш асослари деганда, маълум шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар тушунилади. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддасига асосан, куйидаги ҳолларда шахсни ушлаш туришга асос бор:

- 1) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;
- 2) жиноят шоҳидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс сифатида тўғридан тўғри кўрсатсалар;
- 3) унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;
- 4) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

Қамоқдан ёки озодликдан маҳрум этиш жойларидан қочган гумон қилинувчи (айбланувчи), судланувчини ушлаш учун асос бўлиб суриштирув ёки тергов органи қарори ёки суд ажрими хизмат қиласди.

Агар шахс жиноят содир этаётган бўлса ёки жиноят содир этиб қочган бўлса ва уни “иссиқ издан” таъқиб қилишаётган бўлса, уни қарор чиқармасдан ҳам ушлаш мумкин.

Шахсни ушлаш ҳақидаги масалани ҳал қилишда бор материалларни ҳар тарафлама, тўлиқ ва объектив ўрганиб чиқиш ва ушлашни қонунда кўрсатилган ҳолларда амалга ошириш керак.

Ушлашни амалга оширишда йўл қўйилган хатолар кўпинча оғир оқибатларни келтириб чиқаради. Жумладан, жиноятчининг тергов ва суддан бош тортиси, жиноий фаолиятини давом эттириши, қаршилик кўрсатиши оқибатида ҳалок бўлиши ёки атрофдагиларга зиён етказиши, муҳим бўлган далилларни йўқ қилиши ва ҳакозалар.

Ушбу ҳаракатни амалга ошириш қўйидагиларни ўз ичига олади;

Кўлга олинувчининг шахси ҳақида зарурий маълумотлар тўплаш, тезкор-тергов гуруҳи тузиш ва унинг иштирокчилари билан йўриқнома ўтказиш, техник воситаларни саралаб олиш ва транспортларни тайёрлаш, маҳсус маълумотлардан фойдаланиш масалаларини ҳал қилиш, ушлаш вақтини ва жиноятчини яширинган жойга кириб бориши усусларини белгилаш, тергов ҳаракатлари бўйича режа тузиш.

Бундан ташқари, жиноятчини ушлаш тадбирига тайёргарлик кўришда тадбир иштирокчиларининг, шунингдек, атрофдаги фуқароларнинг ҳам хавфсизлиги билан боғлиқ масалаларни зудлик билан ҳал қилиш, тезкор ва бошқа манбалардан келиб тушган маълумотларни таҳлил қилиш, маҳсус техник воситалар ва қуролларни кўллаш мумкинлигини назарда тутиш, тергов-тезкор гуруҳи таркибига кирувчи ички ишлар ходимларининг кўнималарини текшириш лозим.

Иложи борича, жиноятчини далил билан ушлаш, унинг қаршилигини енгиш, гумон қилинувчини фош этувчи далиллар йўқотилишининг олдини олиш мақсадида, жиноятчини қўлга олишнинг тўсатдан бўлишини таъминлаш учун қулай ушлаш вақти танлаб олинади. Бу тергов ҳаракати жиноятчи учун энг нокулай, аммо ушловчилар учун энг қулай шароитларда оширилиши зарур.

Ушлаш режасига тергов-тезкор гурухи аъзолари йўриқномада келтирилган ҳолатларга мос келадиган бандларни киритишади. Шу билан бирга, ушлаш тактик тадбир эканлиги боис, режа ушлашдан келиб чиқадиган ва у билан узвий боғлиқ бўлган бошқа кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирлари кетма-кетлиги ва хусусиятларини назарда тутиши керак. Бундай ҳаракатларга қуидагилар киради: ушланаётган шахсни шахсий тинтуб қилиш, асослар ва зарур иштирокчилар бўлганда хонани тинтуб қилиш, яширинишга уринаётган шахсларни қўлга олиш, гувоҳларни аниқлаш, пистирмалар ташкил этиш ва ҳакоза. Режада ушлашни ташкил этиш ва амалга ошириш пайтида ўзаро ҳамкорлик масалалари (терговчи, суриштирув органининг тезкор ходими ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ва жамоатчилик билан) ҳам ўз аксини топиши керак. Ушлаш режаси вазият ва шароит ўзгариши эҳтимолидан келиб чиқиб, ҳаракатларнинг бир неча варианtlарини назарда тутиши зарур.

МУХОКАМА

Бир гурух шахсларни ушлаш мураккаб ҳаракат бўлиб, у гурухий бирдамликни, қаршилик қўрсатишни, ушлаш ҳаракатига кўп ходимларни жалб қилишни, уларнинг тегишлича жиҳозланиши ва тайёргарлигини талаб қиласди. Шу боис, агар вазият тақоза этса, гумон қилинувчиларни алоҳида-алоҳида ушлаш тактик жиҳатдан тўғридир. Бошқа томондан, жиноят иштирокчиларини бир вақтнинг ўзида ушлаш уларни хавф ҳақида бир-бирига хабар бериш, яшириниш, далилларни беркитиш ёки қилиш имконидан маҳрум қиласди.

Тезкор ходимнинг амалий фаолиятида дастлабки тайёргарликсиз ушлаш зарурати шахс жиноят жойида фош бўлганда, жиноят жойидан яширинган шахсни ушлаш вақтида, тергов ва суддан яширинаётган, озодликдан маҳрум қилиш жойларидан қочган, қидирувда юрган шахс аниқланганда юзага келади.

Тезкор ходим ўтиб кетаётган йўловчи қиёфасидаги маълум белгилар бўйича қидирилаётган шахсни таниб қолган вазиятни тезкор ходим учун типик ҳолат деб аташ мумкин. Бунда у яқин орадаги ички ишлар органи навбатчилик қисмини хабардор қилган ҳолда, мазкур шахсни яширинча кузатиши лозим бўлади. Бундай имконият бўлмаганда, гумон қилинувчи йўл олган жойни аниқлаб, кузатувни давом эттириши лозим. Агар йўлида ички ишлар ходимлари, ҳарбий хизматчилар, патруллар учраса, ушлаш учун уларнинг кучидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бошқа иложи топилмай қолганда, тезкор ходим ҳам ўзининг, ҳам атрофдагиларнинг хавфсизлиги учун энг қулай вақт ва жойни танлаб, ушлашни мустақил амалга оширади. Одатда, ушланаётган шахс кутмаган пайтда унга кескин яқинланишб, қўлга олиш амалга оширилади.

Дастлабки тайёргарликдан сўнг ушлаш уни амалга оширишнинг олдиндан тузилган режасини амалга оширишни назарда тутади ва тактик хилма-хиллиги билан ажратиб туради.

Жамоат жойларида ушлаш ички ишлар органлари ходимлари томонидан ўқотар курол ишлатишнинг имкони чеклангани (ҳатто ўта жиддий вазиятларда ҳам) ва гумон қилинувчи томонидан курол қўллаш хавфи мавжуд бўлгани боис қийинлашади. Шунинг учуг гумон қилинувчига тўсатдан яқинлашиш ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бу тергов ҳаракатини одамлар энг кам тўпланган жойларда ёки гумон қилинувчининг ҳаракатланиш имкониятлари чекланган шароитда (хонадан чиқаётганда, гардеробда, хонахонада, транспорт воситасига ўтираётганда ёки ундан тушаётганда ва ҳакоза) ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Жиноят қилишга тайёрланаётган жиноятчиларни ушлаш ҳам жуда мураккабdir. Жиноятчининг ниятлари, жиноий тажовуз обьекти. Жиноят содир этиш вақти ва жойи ҳақида терговчи эга бўлган ахборотдан келиб чиқиб, унинг томонидан ушлаш тактикаси танланади. Масалан, агар ундан муайян шахсларнинг жиноят содир этишга ҳозирлик кўраётгани ҳақида маълумотлар бўлса, бироқ тажовуз вақти ва обьекти номаълум бўлса, ушлашни гумон қилинувчиларнинг яшаш жойида ёки улар жиноят қуролларини сақлайдиган жойда ўтказиш тавсия қилинади. Агар тергов жиноят содир этишга тайёрланаётган барча шахслар ҳақида ва жиноий тажовузнинг аниқ вақти тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлмаса, ушлаш пистирмалар ташкил этиш йўли билан жиноят жойида ўтказилади.

Гурухни қўлга олиш ўта мураккаб ва хавфли бўлгани туфайли бу усулдан ўта зарур ҳолларда фойдаланиш лозим. Бундан олдин гурух таркибини бўлиб танлашга ҳаракат қилинади. Ички ишлар идоралари ходимлари бевосита ёки жамоатчилик орқали жиноий гурух йиғилган жойга яқин ерда гўёки жиноят содир қилингани ҳақида ёки паспорт режимига риоя қилишни текшириш бўйича тадбирлар ўтказилаётгани тўғрисида мишиш тарқатиб, ишочнли бўлиши учун қўшни уйлар ёки хонадонларда текшириш ўтказишлари мумкин. Ички ишлар одалари ходимлари томонидан тезкор ва профилактик тадбирларнинг ўтказилиши натижасида фош бўлиб қолишдан хавфсираб, жиноий гурух аъзолари бундай вазиятда ўзлари бўлган жойдан якка-якка бўлиб чиқиб кетишни маъқул қўрадилар. Уларнинг чиқиб кетиши эҳтимол тутилган жойларда пистирма қўйилади ва жиноятчилар ушланади.

Агар гурухни қўлга олишга тўғри келадиган бўлса, ички ишлар идоралари ходимлари сон жиҳатдан анча кўп бўлиши, яхши қуролланиши ва индивидуал ҳимоя воситаларига эга бўлиши зарур. Имкони борича, ушланиши лозим бўлган шахсларнинг кетиши йўли ёпилиши, ўраб олиниши керак. Ушлаш зарур бўлганда огоҳлантирувчи ўқ узилади, ушланган шахслар дарҳол кўздан кечирилади ва шахсий тинтуб қилиниб қўл кишанлари тақилади. Ушланган шахслар ички ишлар органига алоҳида-алоҳида олиб келинади. Бундан қўзланган мақсад уларнинг ўзаро тил бириктиришга йўл қўймасликдир. Бунда улар айбларини фош этувчи обьектлардан халос бўлмасликларини кўздан қочирмаслик лозим. Яхшиси, ҳам қўлга олишни, ҳам олиб кетишни икки ходим, ушланган шахснинг бевосита икки томонида ва гурухни тўсиш атрофдагиларни кузатиш ва таъминлайдиган учинчи ходим олдинда бўлгани ҳолда амалга оширгани маъқул. Ҳаракат маршрути шундай танланиши лозимки, бунда гурух кутилмаганди ёки олдиндан билиб шериклари билан ёхуд ушланган шахснинг қариндошлари билан учрашиб қолишга йўл қўймаслиги керак.

Ушланган шахсни ички ишлар органларига олиб бориш якуний босқич бўлиб, уни бошлашдан олдин ушланганлар тартибга амал қилишлари ва улар қочишига ҳаракат қилсалар, ходимлар томонидан қурол ишлатилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириладилар.

Ушланганларни йўлнинг ўртасидан олиб юриш керак, чунки бу унинг шериклари томонидан тўсатдан хужум уюштирилишига йўл қўймайди. Шунингдек, гавжум қўчалар, майдонлар, йўлкалардан олиб юриш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Ушланганларни маҳсус жиҳозланган ёпиқ автомашиналарда етказиш мақсадга мувофиқ. Агар у очик машинада олиб кетилаётган бўлса, кузовнинг полига ҳаракатга қарама-қарши томонга қаратиб ўтиргизиб қўйилади. Енгил машинанинг орқа ўриндиғида фақат битта ушланган шахсни иккита ходим ўртасида олиб кетиш мумкин.

Ушланганларни мотоциклда ёки йўловчи машиналарда етказиш мумкин эмас. Йўловчи транспортлардан фақат ушланган шахс ярадор бўлиб, мустақил ҳаракатлана олмагандагина фойдаланиш мумкин. Бегона шахсларни автомашинага ўтказишга мутлақо йўл қўйилмайди.

Тезкор гурухнинг фаолияти ушлашнинг барча қатнашчилари томонидан албатта таҳлил қилиниши ва баҳоланиши лозим.

Гумон қилинувчи ички ишлар органига олиб келинганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 225-моддаси талаблари асосида ушлаш баённомаси тузилади. Унда қўйидагилар кўрсатилиши шарт: ушлаш асослари, мотивлари, ушлаш куни ва соати, илии ва оий, ушлаш жойи ва шахсий тинтуб қилинганлиги ҳақида баённома.

Ушлаш баённомаси, одатда, бланкада, учта нусхада тузилади. Нусхалардан бири жиной ишга қўшиб қўйилади ва баённома уни тузган шахс, ушланган шахс томонидан имзоланади. Шахснинг ушланганлиги ҳақида ўн икки соат ичидан терговчи ва суриштирув органи прокурорни ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Ушлаш ўтказилганлиги ҳақида хабарнома олган пайтдан бошлаб қирқ саккиз соат вақт ичидан прокурор ушланган шахсни қамоққа олишга санкция олиш ҳақида судга илтимоснома киритади ёки уни озод қилиши шарт.

Ушлаш сабаблари ва асослари етарли даражада аниқ келтирилиши шарт. Баённомада ушланган шахсга ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқи ва бундай иштирокнинг процессуал тартиби тушунтириб берилади. Баённомада ушлаш жараёнининг ҳолатлари (қаршилик кўрсатганлиги, шахсий тинтувлари, агарда тан жароҳатлари мавжуд бўлса, улар) акс этиши лозим. Шахс ҳақида ва юқорида кўрсатилган маълумотларни ходимлар ўз билдиригиларида, тушунтириш хатларида акс эттирадилар ва уларнинг ўzlари ҳам гувоҳ сифатида сўроқ қилинади.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, заарар етказиб ушлашнинг мақсадлари кенг қамровли ва турличадир. Айнан заарар етказиб ушлашнинг мақсадлари турли вазиятларда бир қанча омилларга боғлиқ эканлигини ҳам кузатиш мумкин. Шу боисдан жиноят қонунчилигимизда бир қанча мақсадларни ўз ичига қамраб олувчи тушунча билан ушлашнинг мақсадини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қўйидагилар таклифни киритишимиз мумкин,

Биринчидан, жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган шахсга унинг хуқуқлари ва ушланиш сабабларини содда тилда тушунтирилиши (Миранда қоидаси) мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, “Хабеас корпус” институтини равишлантириш, яъни шахс суднинг қарорига кўра, кўпи билан қирқ саккиз соатдан ортиқ ушлаб турилишига йўл қўймаслик мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, амалиётда тезкор ходимлар томонидан ўтказилган тезкор қидирув тадбирлари натижасида шахс Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 224-моддаси тартибида ушлансада, ушбу моддада ушланган шахсга нисбатан тўпланган хужжатларни ва шахсни тергов органига ўтказгунга қадар қанча вақт давомида ушлаб турилиши ҳақида аниқ муддат кўрсатилмаган бўлиб, келгусида, ушбу моддага муддат кўрсатилиши амалиётда қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишига олиб келиши мумкин.

Adabiyotlar

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 10, 2017, DP-5005 "On measures to radically increase the efficiency of law enforcement agencies, strengthening their responsibility to ensure public order, reliable protection of the rights, freedoms and legitimate interests of citizens" // <https://lex.uz>.
2. Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan. - 2017. - №15. - 243. <https://lex.uz>.
3. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 18, 2017, RP-2898 "On measures to radically improve the activities of law enforcement agencies in the field of criminal investigation". <https://lex.uz>.
4. Order of the Minister of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan dated June 12, 2017, 100 "On approval of the Instruction on the procedure for organizing inquiries and preliminary investigations in the internal affairs bodies of the Republic of Uzbekistan".
5. Annotated dictionary of the Uzbek language. The letters "A-T". <https://www.ziyouz.com>.
6. Law of the Republic of Uzbekistan dated September 16, 2016 "On law enforcement agencies". Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2016. - № 38. - 438. <https://lex.uz>.
7. Raximov S.A. Importance of information-analytical activity in customs bodies // Journal of Society and Innovations. Scientific article. 2181-1415 / © 2022 in ScienceLLC.
8. Kurnosov Yu.V. Analytics: methodology, technology and organization of information and analytical work. : RUSAKI, 2004. - 512 p.
9. Filippenkova D. Z. Spravochnick.ru //informatika//informacionno-analitiches kaya deyatelnost /., 02.03.2022.
10. <https://uza.uz/posts/356818>.
11. From the REPORT of the Minister of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan dated March 19, 2022 on the state of crime prevention to the twenty-fourth plenary session of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan on the results of 2021. <https://uza.uz/posts/356818>.